Xalq deputatlari Romitan tumani Kengashi
Q A R O R I

2022 - yil 21 - dekabr VI-75-255-2-40-K/22 Romitan tuman hokimligi

Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 11 декабрдаги Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги VI-54-87-2-40-K/21-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2736-III/ҚҚ-592-III-сон Қўшма қарори ижросини таъминлаш ҳамда Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишни ихчамлаштириш, намунали оилавий тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш ва ушбу масалада тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш ҳамда доимий мониторингини йўлга қўйиш мақсадида халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 11 декабрдаги Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги VI-54-87-2-40-K/21-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Халқ депутатлари туман Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиянинг маълумоти ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 11 декабрдаги Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги VI-54-87-2-40-K/21-сонли қарорининг 3-банди қуйидаги таҳрирда ўзгартирилсин”:

- “Туман шароитларидан ҳамда қиш мавсуми кириб келиши инобатга олиб, ош бериш маросимининг вақти ҳафтанинг душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари соат 07:00 дан 08:30 гача, ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари соат 07:00 дан 15:00 гача этиб белгилансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Tuman Kengashi raisi **Barnoyev U. I.**